

Таҳрир хайъати раиси

Б. Сайиткулов - в.ф.н.

Тах.рир х.айъати:

Ш. Акмалхонов - академик
 Ж. Азимов - академик
 Б.Зарипов - академик
 С. Азимов - профессор
 Р. Давлатов - профессор
 Н. Иўлдошев-в.ф.н.
 И. Маматкулов - профессор
 У. Носиров - профессор
 К.Норбоев - профессор
 Б. Норкрбилов - ЎзРДВК;
 А. Орипов - профессор
 У. Салимов - профессор
 Б. Салимов - профессор
 Ш. Умаров - к.х.ф.д.
 Н. Бобокулов - профессор
 С. Юсупов - профессор
 А. Захаров - профессор
 Д.Ёрматова - профессор
 Ш.Жабборов - в.ф.н.
 Х.Ниёзов - в.ф.н.
 Д.Пирназаров - ЧНИБДИ

**Бош мух.аррир вази фасини
бажарувчи:**

Абдунаби АЛИКУЛОВ

Мухаррир (рус тили):

Владимир ДУБОВ

Мух.аррирлар:

Чори БАДАЛОВ

Мактуба МУМИНОВА

Мусах.х:

Гулсара САИИТКУЛОВА

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

2007 йил сентябрдан чоп этилмокда

Лойиҳа ташаббускори ва раҳ.бари:

Ўзбекистон Республикаси

Давлат ветеринария кўмитаси

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси

Давлат ветеринария кўмитаси,

Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши,

«AGROZOOVETSERVIS»

масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот

агентлигида 2010 йил 31 декабрда

0284-рақам билан рўйхатга олинган

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри,

Усмон Носир, 22 А/Я: 5628.

Таҳририят манзили: 100084, Тошкент

шаҳри, Халқарод 4-тор, 4-уй

Тел.: + (99895)170-22-35

(0371)234-77-22

Web-сайт: www.vetjurnal.uz

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 4435.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 22.08.2017.

Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп

этилди. 6,0 б.т. Буюртма №363

Бахрси келишилган нархда.

© Zooveterinariya, #08 (117) 2017

Гафур Гулом номидаги нашриёт-

матбаа ижодий уйи босмахонасида

чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Лабзак кўчаси, 86-уй.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Кўмита рсофарлари

Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария

кўмитасига раҳбар тайинланди.....3

Бугуннинг гапи

А.Аликулов - Рузғори туқин одамлар.....4

Р.Давлатов, С.Жумабоев - Малака ошириш керак, жуда керак.....8

ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ**Юкумли касалликлар**

Д.Вахидова - Принципы борьбы с бруцеллёзом в США.....9

М.Маматова - Кутуриш касаллигининг эпизоотик жараёнида
итларнинг фаоллиги.....11**Паразитар касалликлар**Ш.Абдурасулов, А. Рахимов - Иммуногенные и реактогенные
свойства вакцинного изолята тейлерий.....14**Юкумсиз касалликлар**С.Эшбўриев, К.Норбоев - Сигирларда витамин ва минерал
алмашинуви бузилишлари профилактикасининг самарали усули.....16С.Норбеков, Н.Дилмуродов - Отлар пай ва пай кинининг йирингсиз
яллигланишларида клиник ўзгаришлар.....19**Фармакология ва токсикология**

К.Зимин - Пробиотик моноспорин для гуморального иммунитета.....21

ЖаррохликЖ.Юлчиев, Б.Нарзиев - Итлар ўсмаларининг диагностикасида
иммуногистокимё усулининг ахамияти.....22**ЧОРВАЧИЛИК****Наслчилик**Ш.Акмалханов ва бонп<. - Ёг-мой корхоналари чичиндиларидан
чорвачилик фермаларида фойдаланиш бўйича экологик ва фойдали
технология.....24

В.Шириев, В.Валеев - Воспроизводство стада - задача первостепенная. 26

А.Алимардонов - Эмбрион: уни кўчириб ўтказишнинг
самарадорлиги.....29Э.Умарова, К.Зиядуллаев - Сигирлар сут махсулдорлигини кўшимча
минераллар ёрдамида ошириш.....30**Кўйчилик ва эчкичилик**Э.Шаптаков ва бонп<. - Хисор куй зоти кўзиларининг ўсиш ва
ривожланиш кўрсаткичлари.....32А. Газиёв ва бодощ. - Кўра рангли цорақўл кўйларида айрим селекцион
белгиларнинг намоён бўлиш хусусиятлари.....35**Озуца**Н.Рўзиев ва бонп<. - Сифатли силос тайёрланг, юкори
самарадорликка эришасиз.....37

М.Абдуллаев - Амалий ишга ўтайлик.....39

Дилафруз Холицул кизи - Касбини кадрлаган одамлар.....40

Д.Ёрматова, М.Султонов - Тарш ва унинг озукавий циймати.....41

ПиллачиликС.Наврузов, У.Умарова - Вопросы заготовки и переработки
шелковичных коконов.....43**АКДЧАРХИ**

Кроссворд.....45

РЕКЛАМАЧорвачилик ва паррандачилик учун 40 дан зиёд ветеринария
препаратлари.....46

СИГИРЛАРДА ВИТАМИН ВА МИНЕРАЛ АЛМАШИНУВИ
БУЗИЛИШЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИНING САМАРАЛИ УСУЛИ

Аннотация

В данной статье приведены данные об эффективности гранулированного комбикорма, обогащенного витаминами и минералами, при профилактике нарушения витаминно-минерального обмена у высокопродуктивных коров.

Калит сузлар: витаминлар, минераллар, гипотония, гипогликемия, остеомаляция, лизуха, лордоз, симптом, гиповитаминоз, ретинол, гипокупроз, гипокобальтоз, гипокальциемия, гипофосфоремия, гипокаротинемия, гипогемоглобинемия.

Мавзунинг долзарблуги. Қўрама ҳисобларнинг фермер хўжаликлари шароитида четдан келтирилган ва маҳаллий зотларга мансуб сигирлар орасида витаминлар ва минерал моддалар алмашинуви бўлиши касалликларининг тарқалиши, иқтисодий зарари, сабаблари, уларнинг келиб чиқишида алиментар омилларнинг аҳдмияти, ривожланиш механизми, эрта аниқлаш усулларини ўрганиш, касалликни даволаш ва олдини олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш бугунги кунда ветеринария фани ва амалиёти олдидаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Тадкилот материаллари ва услублари. Таъриблар Самарканд вилоятининг Пастдаргом ва Тайлок, Навоий вилоятининг Кармана туманларининг қорамолчилик фермер хўжаликлари шароитидаги 4-5 ёшли голштинлаштирилган қора-ола зотли сизирларда ўтказилди.

Сигирлардан олинган кон намуналарида гемоглобин микдори (гемоглобин-цианидли усул), глюкоза (орто-толуидин билан рангли реакция), кон зардобида умумий оксил (рефрактометрик усул), ишкорий захира (И.П.Кондрахин усули), ишкорий фосфатаза ферменти фаоллиги (Бодански усули), умумий кальций (В.П.Вичев, Л.В.Каракашов усули), анорганик фосфор (пульс бўйича В.Ф.Кромыслов ва Л.А.Кудрявцева усули), каротин (Карр-Прайс усули, Юдкин модификацияси), кон зардобидаги А витамини концентрацияси (Бессея усули, А.Анисова модификацияси), кон таркибидаги микроэлементлар микдори (атомли-абсорбцион спектрофотометрия усулида), катта корин суюклигининг муҳити (рН-метр ёрдамида), инфузориялар сони (Горяев санок турида) аниқланди [7].

Summary

This article presents data on the effectiveness of granulated mixed fodders enriched with vitamins and minerals in the prevention of vitamin-mineral metabolism in highly productive cows.

Сигирларда витамин-минераллар алмашинуви бузилишларида гурухли профилактик воситаларнинг сигирлар организмига таъсирини ўрганиш ва **гурухди** профилактик тадбирларнинг иктисодий самарадорлигини аниклаш бўйича тажрибалар ўтказилди.

Тажрибалар учун хар бирида 15 бошдан сигир бўлган 2 гуруҳ, ташкил этилиб, биринчи тажриба гуруҳидаги сигирлар рационадаги кепак ва шротнинг ўрнига таркиби: (100 кг да) 10 % соя шроти, 15 % кунгабоқдр шроти, 11 % пахта шроти, 30% бугдой кепаги, 15 %маккадони, 16,6% бугдой дони, 1,2% монокальцийфосфат, 1% оштузи ва 0,2% витаминли-минералли премикс (витаминли-минералли премикс таркиби: А витамини - 96000 ХБ; D₃ витамини - 40000 ХБ; Е витамини - 800 мг; марганец - 960 мг; мис- 128 мг; рух - 880 мг; темир - 320 мг; йод - 10,4 мг) дан иборат витамин ва минераллар билан бойитилган гранулали омехта емдан бир бошга 1 суткада 4 кг дан берилди.

Назорат гуруҳидаги сигирлар факат ҳўжалик рационида озиклантирилди. Тажрибалар сигирларнинг туғишигача 45 кун, тукдандан кейин 45 кун, яъни 90 кун давомида ўтказилди.

Тажрибалар бошида ва ҳар 30 кунда бир марта тажриба ва назорат гуруҳидаги сигирларда клиник-гематологик текширишлар, катта корин суюқлиги намуналарида лаборатор текширишлар ўтказиб турилди. Тажриба ва назорат гуруҳидаги сигирларда қўлланилган профилактик воситаларни улардан тутилган бузокларнинг тугилгандаги вазни, диспепсия билан касалланиши, кз'нлик ўсиши, сигирларда сервис даврининг давомийлиги, йўлдошнинг ушланиши, сигирларнинг сут маҳ,сулдорлигига таъсири ўрганилди.

Олинган натижалар тахдили. Хўжаликдаги тажриба ва назорат гуруҳидаги сигирларда тажрибалар бошида клиник кўрсаткичлар кесувчи тишларнинг кимирлаши, охирги дум умурткаларининг сўрилиши, лордоз, шиллик пардаларнинг окдриши ва иштахднинг ўзгариши (лизуха) деярли бир хил кўрсаткичлар билан намоён бўлган бўлса, тажрибаларнинг охирига келиб, биринчи тажриба гуруҳида кесувчи тишларнинг кимирлаши тажриба гуруҳида 7 бошдан 2 бошга камайганлиги, назорат гуруҳида эса 6 бошдан 8 бошга ошганлиги кўйд этилди.

Охирги дум умуртқдларининг сўрилиши тажрибаларнинг охирига келиб, биринчи тажриба гуруҳида 2 бошга камайиши, назорат гуруҳида 9 бошга кўпайиши кузагалди.

Шиллик; пардаларнинг оқариши ва иштах, анинг ўзгариши тажриба гуруҳларида тажрибаларнинг охиригача камайиб бориши кузатилиб, назорат гуруҳидаги сигирларнинг 8 бошида кўйд килинди.

Пульс сони биринчи тажриба гуруҳида тажрибаларнинг охирига келиб, бир дакиқдада ўртача $72,8 \pm 3,6$ мартага камайиши ($P < 0,05$), назорат гуруҳидаги хайвонларда эса 1 дакиқдада ўртача $78,4 \pm 2,9$ мартагача ошганлиги кайд этилди.

Нафас сони биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларда тажрибаларнинг бошида бир дакиқдада ўртача $28,8 \pm 0,6$, назоратда - $28,4 \pm 0,6$ мартани ташкил этиб, тажрибаларнинг охирига келиб, биринчи гуруҳда ўртача $24,8 \pm 0,7$ мартага камайганлиги ($P < 0,05$), назорат гуруҳида эса ўртача $29,8 \pm 0,6$ мартага кўпайиши аникланди.

Катта корин деворининг 2 дакиқдадаги кискаришлари сони биринчи тажриба гуруҳида тажрибаларнинг охирига келиб, ўртача $3,4 \pm 0,16$ ($P < 0,05$) мартага ошган бўлса, назорат гуруҳида $3,0 \pm 0,13$ мартага пасайиши (гипотония) характерли бўлди.

Тажрибаларнинг охирига келиб, тажриба гуруҳидаги сигирлар клиник-физиологик кўрсаткичларининг меъёра бўлиши, назорат гуруҳидаги сигирларда эса шиллик, пардаларнинг оқаршпи, иштахнинг ўзгариши, умумий холсизланиш, туллашнинг кечикиши, бўгинларнинг катталашishi, охирги дум умурткаларининг турли даражада сўрилиши, кесувчи тишларнинг кимирлаши каби витаминлар, макро ва микроэлементлар алмашинуви бузилишларига хос симптомлар кўйд этилди.

Коннинг айрим морфобиокимёвий кўрсаткичлари тажриба ва назорат гуруҳидаги сигирларда тажрибаларнинг бошида бир хил кўрсаткичлар би-

лан характерланган бўлса, тажриба гуруҳидаги сигирларда дастлабки кўрсаткичларга нисбатан тажрибаларнинг охирига келиб, хўжаликдаги сигирлар крнидаги гемоглобин микдори ўртача $105,0 \pm 4,7$ г/л, умумий оксилнинг - $77,4 \pm 3,8$ г/л, глюкозанинг - $2,74 \pm 0,10$ ммоль/л, каротиннинг - $0,498 \pm 0,08$ ммоль/л, ишкорий захиранинг - $48,0 \pm 1,6$ хажм % CO_2 , ретинолнинг $58,8 \pm 4,8$ мкг % га кўпайиши ҳамда ишкорий фосфатаза ферменти фаоллигининг - $1,25 \pm 0,15$ ммоль/с/л га камайиши кўйд этилди.

Назорат гуруҳидаги сигирларда эса гемоглобин микдори 1,2 г/л, (гипогемоглобинемия), глюкоза - 0,06 ммоль/л (гипогликемия), қон зардобиди каротин - 0,034 мг % (гипокаротинемия), ретинол - 14,2 мкг %, ишкорий захира - 2,3 хажм % CO_2 га камайиши, умумий оксил микдори - 2,1 г/л, ишкорий фосфатаза фаоллиги - 0,12 ммоль/с/л га ортиши кайд этилди. Бу кўрсаткичлардан тажриба гуруҳидаги сигирларда қўлланилган витамин ва минераллар билан бойитилган гранула шаклидаги омихта емларнинг организмга ижобий таъсири туфайли витаминлар, макро ва микроэлементлар алмашинувининг яхшиланиши, назорат гуруҳидаги сигирларда организмнинг тўйимли моддалар, витамин ва минерал моддаларга нисбатан эҳтиёжларининг қондирилиш даражасининг пасайиб бориши ва моддалар алмашинуви бузилишларининг кучайиб боришидан даволат беради.

Тажриба гуруҳидаги сигирлар кон зардобиди умумий кальций микдорининг ўртача $2,68 \pm 0,05$ ммоль/л дан $2,88 \pm 0,07$ ммоль/л га, аноорганик фосфорнинг - $1,42 \pm 0,04$ ммоль/л дан $1,84 \pm 0,05$ ммоль/л га, кондаги миснинг - $11,6 \pm 0,04$ мкмоль/л дан $14,6 \pm 0,08$ мкмоль/л га, кобальтнинг - $0,35 \pm 0,4$ мкмоль/л дан $0,63 \pm 0,3$ мкмоль/л га, марганецнинг - $2,53 \pm 0,05$ мкмоль/л дан $2,82 \pm 0,04$ мкмоль/л га ва рухнинг $28,4 \pm 1,4$ мкмоль/л дан $52,3 \pm 1,7$ мкмоль/л га кўпайиши, назорат гуруҳидаги сигирларда шунга мое равишда ўртача $2,72 \pm 0,08$ ммоль/л дан $2,48 \pm 0,07$ ммоль/л га, $1,44 \pm 0,02$ ммоль/л дан $1,37 \pm 0,05$ ммоль/л га, $11,2 \pm 0,04$ мкмоль/л дан $10,2 \pm 0,05$ мкмоль/л га, кобальтнинг - $0,33 \pm 0,4$ мкмоль/л дан $0,32 \pm 0,5$ мкмоль/л га, марганецнинг - $2,51 \pm 0,07$ мкмоль/л дан $2,42 \pm 0,08$ мкмоль/л га ва рухнинг $27,9 \pm 1,6$ мкмоль/л дан $26,0 \pm 1,8$ мкмоль/л га камайиши аникланди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги сигирлардан тугилган бузокларнинг тугилгандаги тана вазни ўртача $29,40 \pm 2,4$ кг, назорат гуруҳида $27,20 \pm 2,1$ кг га тенг бўлди. Бузокларнинг кунлик ўсиши биринчи тажриба гуруҳидаги сигирлардан тугилган бузокларда ўртача 331 ± 14 гр, назорат гуруҳида 267 ± 12 г бўлиши аникланди. Назорат гуруҳидаги

Тажрибадаги сигирлар цонининг морфобиокимёвий кўрсаткичлари, (n=15)

Тажриба гуруҳлари	Т.В.и-ришлар вақти	Гемоглобин, г/л	Умумий оксил, г/л	Ой	Кўрин, %	Саба, % CO ₂	Витамин А, Мкг %	Ип, фосфата, мкмоль/с/л
I Тажриба	Тажриба бошида	95,2 ±5,0	72,4±3,9	2,26±0,09	0,392±0,05	40,4 ±2,1	38,2 ±4,1	1,72 ±0,21
	30-куни	98,4 ±4,6	74,0 ±3,7	2,38±0,11	0,408±0,08	42,4 ±1,9	45,6 ±4,5	1,60 ±0,18
	60-куни	101,6 ±4,5	76,4 ±3,7	2,61±0,08	0,470±0,07	46,8 ±1,7	52,5 ±5,0	1,42 ±0,16
	90-куни	105,0 ±4,7	77,4 ±3,8	2,74±0,10	0,498±0,08	48,0 ±1,6	58,8 ±4,8	1,25 ±0,15
II Тажриба	Тажриба бошида	95,8 ±4,6	73,0 ±2,9	2,28±0,10	0,388±0,07	41,2 ±1,4	36,8 ±3,4	1,70 ±0,14
	30-куни	95,2 ±5,1	73,2 ±3,6	2,27±0,11	0,380±0,08	40,8 ±2,2	35,3 ±4,0	1,75 ±0,24
	60-куни	95,0 ±5,7	75,8 ±3,8	2,24±0,12	0,370±0,11	40,6 ±1,7	28,4 ±3,6	1,78 ±0,18
	90-куни	94,6 ±4,9	75,1 ±4,2	2,22±0,11	0,354±0,10	38,8 ±1,8	22,6 ±5,9	1,82 ±0,16

сигирлардан тугилган бузоқларнинг 4 бошида диспепсия билан касалланиш кузатилди.



Цорамолларучун гранулалибойтилган омихтаем

Сигирларнинг сервис даври биринчи тажриба гуруҳда ўртача 54±4 кунни, назорат гуруҳда ўртача 68±3 кунни ташкил этди. Назорат гуруҳдаги сигирларнинг 3 бошида йўлдошнинг ушланиб қолиши қайд этилди. Биринчи тажриба гуруҳдаги сигирларда лактациянинг 1 ойида кунлик сут микдори тажриба гуруҳда ўртача 18,5±1,9 л, назорат гуруҳда ўртача 15,4±1,5 л ни ташкил этди.

Хулоса. Махсулдор сигирларда витамин-минерал моддалар алмашинуви бузилиши касалликларининг олдини олиш учун таркиби: 10 % соя шроти, 15% кунгабоқдр шроти, 11% пахта шроти, 30% бугдой кепаги, 16,6% бугдой дони, 15% макка дони, 1,2% монокальцийфосфат, 1% ош тузи ва

0,2% витаминли минералли премикслардан иборат бўлган гранула ҳолатидаги бойитилган омихта ем сигирларнинг туғишигача 45 кун, тук,кандан кейин 45 давомида берилиши уларда моддалар алмашинуви ва клиник-гематологик кўрсаткичларни меъёрлаштиради, катта цорин суюқдигида инфузориялар сонининг 52,8 минг/мл га кўпайишини, сут мах,сулдорлигининг 3,1 л га ошишини, сервис даврининг 15-20 кунга кискаришини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кондрахин И.П., Левченко В.И. Диагностика и терапия внутренних болезней животных. - М.: «Аквариум-Принт», 2005. - С. 196-269.
2. Макарецов Н.Г. Кормление сельскохозяйственных животных: Учебник для вузов - Калуга: «Ноосфера», 2012.- С. 642.
3. Лигомина И.П. Состояние минерального обмена и природной резистентности коров и их коррекция в хозяйствах житомирского полесья // Автореф. дис. - канд. вет. наук. - Белая Серков: 2003. - С 17.
4. Методы ветеринарной клинической лабораторной диагностики // Справочник под ред. проф. И.П.Кондрахина. - М.: "Колос", 2004. - С. 520
5. Метревели, Т.В. Биохимия животных // «Зоотехния» // СПб.: - Лань, 2005. - С. 296.
6. Ҳасанов М.М. Хайвонлар биокимёси. - Тошкент: "Ўзбекистан", 1996. - Б 441-446.